

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.06.2020.Fal.60.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУҲАМЕДОВ АСРОР АСАДОВИЧ

**ЮСУФ ХОС ҲОЖИБНИНГ “ҚУТАДҒУ БИЛИГ” АСАРИДАГИ
ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАР**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) in
Philosophical Sciences**

Муҳамедов Асрор Асадович

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асаридаги ижтимоий-фалсафий қарашлар.....3

Муҳамедов Асрор Асадович

Социально-философские взгляды в произведении Юсуфа Хас Хаджиба «Қутадғу Билиг».....21

Muxamedov Asror Asadovich

Socio-philosophical views in the work of Yusuf Khos Khadzhib "Kutadgu Bilig"39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.06.2020.Fal.60.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУҲАМЕДОВ АСРОР АСАДОВИЧ

**ЮСУФ ХОС ҲОЖИБНИНГ “ҚУТАДҒУ БИЛИГ” АСАРИДАГИ
ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАР**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.3.PhD/Fa792 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik-falsafa.nuu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юлдашева Фарида Хужамкуловна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шарипова Эркайим Қузуевна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Пўлатова Дилдора Акмаловна
фалсафа фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат транспорт университети

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.06.2020.Fal.60.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил « _____ » _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел./факс: 0(374) 223-88-30; e-mail: agsu_info@edu.uz)

Диссертация билан Андижон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел.: 0(374) 223-88-30

Диссертация автореферати 2022 йил « _____ » _____ да тарқатилди.
(2022 йил « _____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).



Ф.Х.Юлдашева
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, фалсафа
фанлар доктори, профессор

А.А.Эгамбердиев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, фалсафа
фанлар доктори, доцент

Т.А.Артиков
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, фалсафа фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида туркий халқларнинг буюк алломалари томонидан яратилган асарларга қизиқиш тобора кучаймоқда. Аждодларимиз яратган маданий-маънавий меросимиз намуналарида акс этган ғоялар ва концепциялар бугунги кунда ижтимоий-маънавий муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эгадир. ЮНЕСКО томонидан 2019 йил “Қутадғу билиг” – “Саодатга элтувчи билим” йили деб эълон қилингани ҳам юқоридаги фикрларимизнинг далилидир.¹ Шу сабабли Юсуф Хос Ҳожиб фалсафий меросини ўрганиш, унда баён этилган умуминсоний ғоя ва қадриятларни оммалаштириш ғоятда муҳим назарий ва амалий аҳамиятга молик масалалардандир. Бу эса мамлакатимиздаги маънавий янгиланиш жараёнида адиб асарларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтирса, бошқа томондан жаҳонда ва туркий халқлар орасида буюк аждодларимизга бўлган ҳурмат-эҳтиромни кучайтиришга хизмат қилади.

Жаҳондаги қатор университетлар ва илмий тадқиқот институтлари, хусусан Анқара, Истанбул, Остона ва Бокудаги илмий марказларда Юсуф Хос Ҳожиб меросининг турли қирралари бўйича фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Алломанинг марказлашган давлат ва ундаги ҳокимиятни ташкил этишга доир қарашлари туркий халқлар орасидан биринчилардан бўлиб низомномада жамлангани билан қадрлидир. Алломанинг жамият тузилиши ҳақидаги концепцияси, ижтимоий стратификацияга асосланган адолат ғояси бугунги кунда ҳам қатор тадқиқотчиларнинг диққат марказида турган мавзулардан бири ҳисобланади. Юсуф Хос Ҳожиб фалсафий меросидан жой олган маърифатпарварлик ғоялари бўйича ҳам қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш жараёни бошланган. Халқимизнинг улкан орзу-умидлари ҳамда эҳтиёж-манфаатларини ифодалаган ана шу эзгу ғояларни амалга оширишда илк Ренессанс даври, унинг вужудга келишига сабаб бўлган омиллар, бу даврда ижод қилган алломаларнинг илмий-фалсафий меросига таяниш муҳим аҳамиятга эга. Юсуф Хос Ҳожиб ҳозирги кунда долзарб бўлиб турган қатор муаммолар – космополитизм, экстремизм, жаҳолатпарастлик ва коррупция каби салбий иллатларни йўқотишга ўз даврида уриниб кўрган ҳамда бу борада ўзининг концепциясига эга алломадир. Шу билан бирга Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда Юсуф Хос Ҳожибнинг ижтимоий тараққиётда билим ва маърифатнинг детерминантлиги ҳақидаги концепциясига таяниш ва уни

¹ <https://uza.uz/uz/posts/turkiy-khal-larning-bobokalon-shoiri-va-mutafakkiri-03-10-2019> - Туркий халқларнинг бобокалон шоири ва мутафаккири

оммалаштириш истикболлари мавжуд. Юсуф Хос Ҳожиб фалсафий меросини ўрганиш туркий халқлар ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги, 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари ва мавзуга оид бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, маънавий кадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилик тарихини ҳамда таълимнинг узвийлик ва узлуксизлигини, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Юсуф Хос Ҳожиб фалсафий меросини ўрганиш бўйича қатор ишлар амалга оширилган. “Қутадғу билиг” асарини истеъмолга киритиш ва оммалаштириш билан дастлаб европалик тарихчи олимлар бошлаган бўлсалар, кейинроқ россиялик қатор тадқиқотчилар бу борада сезиларли муваффақиятга эришдилар. Ўзбекистонлик тарихчи ва филологлар асарни илмий истеъмолга киритиш бўйича саъй-ҳаракатларни амалга оширдилар. Бу мавзунини ўрганиш бўйича адабиётларни “Қутадғу билиг” асарини истеъмолга киритиш ва нусхаларни аниқлаш бўйича европалик ва россиялик олимларнинг асарлари, турк, озарбайжон олимларининг асарни тадқиқ этиш бўйича яратган илмий ишланмалари ҳамда ўзбекистонлик олимларнинг турли жабҳаларда яратган илмий тадқиқотларига ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга киритилган олимлар томонидан дунё миқёсида асар устида турли давлатларда ҳам тадқиқотлар олиб борилган. Масалан, европалик шарқшунос олимлар А.Жауберт, Ҳ.Вамбери, В.Бартольд, В.Григорьев, В.Радлов, А.Кононов, С.Малов, П.Жузе, О.Притсак, А.Шчербак, Е.Тенишев, И.Стеблевалар томонидан жуда қизиқарли тадқиқотлар амалга оширилган ва улар замонавий фанга дастлабкилардан бўлиб асар ҳақида маълумот берганлар².

² Ҳамидов Х.Х. “Қутадғу билиг”нинг Ўзбекистонда ва Туркияда ўрганилиши // Жаҳон туркологиясининг буюк обидаси “Қутадғу билиг” ва уни ўрганишнинг долзарб масалалари халқаро конференция тўплами. Тошкент, 2020 й. – Б. 117.

Иккинчи гуруҳ тадқиқотлар яқин хориждаги файласуф олимларнинг илмий ишларидан иборат. Асар туркий дунёдаги дастлабки ёзма бадиий дostonлардан бири бўлгани сабаб туркиялик олимларнинг ҳам диққат марказида бўлиб келмоқда. Рашид Раҳмати Арат йирик турколог олим, “Қутадғу билиг”нинг билимдонларидан биридир. Унинг “Kutadgu Bilig, I Metin, Türk Dil Kurumu Yayınları” асари туркшунос олимлар ўртасида анча машҳурдир. Шунингдек, А.Дилаҷар³, К.Эраслан, О.Ф.Серткая⁴, А.Б.Эржиласун⁵, И.Кафесўғлу⁶, Н.Кулекчи⁷, Э.Ушенмез⁸, К.Явуз⁹ каби олимлар асарнинг матншунослик, тилшунослик ва бадиият масалалари хусусида баҳс юритганлар.

Учинчи гуруҳга ўзбекистонлик олимларнинг асарларини киритиш мумкин. Буюк асарга бўлган қизиқиш жаҳид вакилларидан бўлмиш Фитратни ҳам беэътибор қолдирмаган¹⁰. Фитратнинг “Қутадғу билиг” асарининг тилшунослик нуқтаи назаридан таҳлили қатағон сиёсати сабабли кўпчиликнинг назаридан четда қолган. Кейинчалик Қаюм Каримов томонидан унинг хизматлари эътироф этилган: “...Фитратнинг исмини ва асарини тилга олиш туфайли ўша вақтда у сўроқ қилиниб, анча қийноқларга учрагани ҳаммага маълумдир”¹¹.

Қайд этиб ўтилганидек, Қаюм Каримов асарнинг транскрипцияси ва ҳозирги ўзбек тилидаги тавсифини 1971 йилда нашр эттирди¹². Кейинчалик ҳам шу мавзудаги тадқиқотларини давом эттириб, қатор илмий изланишларини эълон қилди. Яна бир манбашунос-шарқшунос олим Қ.Содиқов “Қутадғу билиг”нинг уйғур ёзувли Хирот нусхаси” деб номланган илмий тадқиқотини эълон қилди¹³. Унда асарнинг нисбатан кечроқ кўчирилган нусхаси, унинг ўзига хосликлари ҳақида фикр юритилади.

Тилшунос олим Қ.Омонов ўзининг “Асар отида келган “қут” сўзи тўғрисида” деб номланган илмий мақоласида ўзбек тилига таржима қилишда энг кўп муқобилларига эга сўзнинг асл маъноси ҳақида муаллифлик позициясини маълум қилади¹⁴.

³ Dilaçar A. Kutadgu Bilig, Ankara, 1972.

⁴ Sertkaya 1977 – Sertkaya O. İslâmî Devrenin Uygur Harfli Eserlerine Toplu Bir Bakış. Bochum, 1977.

⁵ Ercilasun, Ahmet Bican (2004), Başlangıcından Yirminci Yüzyıla Türk Dili Tarihi, Akçağ Yayınları, Ankara.

⁶ Kafesoğlu, İbrahim (1980), Kutadgu Bilig ve Kültür Tarihimizdeki Yeri, Kültür Bakanlığı Yayınevi. İstanbul.

⁷ Külekçi, Numan (2011), Yusuf Has Hacıp ve Kutadgu Bilig, Toker Yay., İstanbul.

⁸ Üşenmez, Emek (2011), “Kutadgu Bilig (Nemengan /Fergana/ Özbekistan

⁹ Yavuz, Kemal (2007), Yusuf Has Hacıp ve Kutadgu Bilig, Tür Dili ve Edebiyatı Dergisi, Cilt 37, Sayı 37.

¹⁰ Fitrat A. “Qutadg‘u bilig”, “Maorif va o‘qitg‘uvchi” jurn, 2-son, Samarqand, 1925.

¹¹ Темур Хўжа ўғли. Abdurauf Fitratning turkologiyada e‘tibordan chetda qolgan «Qutadg‘u bilig»

matn nashri (1928) // Жаҳон туркологиясининг буюк обидаси “Қутадғу Билиг” ва уни ўрганишнинг долзарб масалалари халқаро конференция тўплами. Тошкент, 2020 й. – Б. 79.

¹² Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (Саодатга йўлловчи билим). Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. Нашрга тайёрловчи: Қаюм Каримов. –Тошкент, “Фан” нашриёти. -1971; Каримов Қ., Илк бадиий дoston, –Тошкент: “Фан” нашриёти, 1976.

¹³ Содиқов Қ. “Қутадғу билиг”нинг уйғур ёзувли Хирот нусхаси. –Тошкент, 2010.

¹⁴ Омонов Қ. Асар отида келган «қут» сўзи тўғрисида. // «Қутадғу билиг» – буюк маънавий мерос. Илмий конференция материаллари. Тошкент, 2010. –Б.76–82.

Шунингдек, ўзбек олимларидан А.Рустамов, Ғ.Абдурахмонов, С.Муталибов, Б.Тўхлиев, З.Ҳамидов каби олимлар асар ҳақидаги қатор илмий изланишларини чоп эттирган¹⁵.

Шу билан бирга юқоридаги тадқиқотларда яхлит равишда Юсуф Хос Ҳожиб таълимотининг ижтимоий-фалсафий томонлари ўрганилмаган. Бу нуқтаи назардан “Қутадғу билиг” асарида баён этилган концептуал ғояларнинг Янги Ўзбекистонни яратишдаги ижтимоий-фалсафий ва маънавий аҳамиятини очиб бериш долзарб ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Андижон давлат университети “Ўзбекистонда модернизация шароитида маънавий янгиланиш жараёнлари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асаридаги ижтимоий-фалсафий қарашларини ёритишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Юсуф Хос Ҳожиб яшаб ижод қилган илк Ренессанс давридаги миллий ва диний маданият уйғунлиги ва алломанинг билим ҳақидаги фалсафий концепциясига таянган ҳолда Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда илмий билимнинг тараққийпарварлик хусусиятларини очиб бериш;

Юсуф Хос Ҳожибнинг ижтимоий қатламларга уларнинг эҳтиёж ва манфаатларидан келиб чиқиб муносабатда бўлишга доир ижтимоий-фалсафий қарашлари адолатни таъминлашда концептуал ўринга эга эканлигини илмий асослаш;

мутафаккир илмий меросидан жой олган билим концепциясининг Янги Ўзбекистонда ёшларни оламни илмий билишга бўлган интилишларини кучайтиришдаги мотивацион таъсирини очиб бериш;

ижтимоий тараққиётга тўсиқ бўлаётган экстремизм, радикализм ва оммавий маданият каби салбий ҳодисаларга қарши курашда Юсуф Хос Ҳожиб фалсафий меросини оммалаштириш, тарғиб қилиш ва тушунтириш орқали ундан унумли фойдаланиш имкониятлари кўламини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти Юсуф Хос Ҳожибнинг фалсафий мероси.

Тадқиқотнинг предмети Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асаридаги ижтимоий-фалсафий қарашлар.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда диалектика, тарихийлик, мантикийлик, умумлаштириш, қиёсий таҳлил, башорат илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Юсуф Хос Ҳожиб яшаб ижод қилган илк Ренессанс давридаги миллий ва диний маданият уйғунлиги ва алломанинг билим ҳақидаги фалсафий концепциясига таянган ҳолда Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи

¹⁵ Qutatg‘u bilig. J.I // Yusuf Xos Hojib; mas‘ul muharrir A.Rustamov; nashrga tayyorlovchi G‘. Abdurahmonov. ToshDShI. –Т.: Alisher Navoiy Qutatg‘u bilignomidagi O‘zbekiston Qutatg‘u bilig Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2010. -240 b; З.Ҳамидов. Юсуф Хос Ҳожибнинг фалсафий қарашлари. Андижон, 2017. –Б. 36.

Ренессанс пойдеворини яратишда илмий билимнинг тараққийпарварлик хусусиятлари очиб берилган;

Юсуф Хос Ҳожибнинг ижтимоий қатламларга уларнинг эҳтиёж ва манфаатларидан келиб чиқиб муносабатда бўлишга доир ижтимоий-фалсафий қарашлари адолатни таъминлашда концептуал ўринга эга эканлиги илмий асосланган;

мутафаккир илмий меросидан жой олган билим концепциясининг Янги Ўзбекистонда ёшларни оламни илмий билишга бўлган интилишларини кучайтиришдаги мотивацион таъсири таъсири очиб берилган;

ижтимоий тараққиётга тўсиқ бўлаётган экстремизм, радикализм ва оммавий маданият каби салбий ҳодисаларга қарши курашда Юсуф Хос Ҳожиб фалсафий меросини оммалаштириш, тарғиб қилиш ва тушунтириш орқали ундан унумли фойдаланиш имкониятлари кўлами аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси куйидагилардан иборат:

Янги Ўзбекистоннинг асосларини барпо этишда Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида акс этган ижтимоий-фалсафий қарашлари ва ғояларидан назарий фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилган;

ҳозирги кунда долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда алломанинг асарларида баён этилган концептуал ғоялардан фойдаланиш имкониятлари ва усуллари таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, махсус журналлар, чоп этилган мақолалар ва хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг назарий, методологик ва амалий аҳамияти Юсуф Хос Ҳожиб таълимотида ижтимоий-фалсафий муаммолар ва улар концептуал ечимларининг комплекс тадқиқ қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, унда баён қилинган масалаларнинг ечими, ижтимоий-фалсафий таҳлили, ишлаб чиқилган хулоса ва натижалари ёшлар маънавий маданиятини юксалтириш, пировард натижада баркамол авлодни шакллантиришда мутафаккир Юсуф Хос Ҳожиб таълимотидан илмий асос сифатида самарали фойдаланиш ҳамда ҳозирги даврда ижтимоий фалсафа фанини ривожлантиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилади. Диссертация натижалари, муаллифнинг мустақил хулосалари, тавсиялари ижтимоий гуманитар фанларни ўқитиш тизимидаги тегишли мавзулардан ўқув-методик мажмуалар тайёрлашда муҳим манба сифатида хизмат қилади. Шунингдек, тадқиқот натижалари олий ўқув юртлари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг малакасини ошириш институтларида махсус курс сифатида ўқитилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Юсуф Хос Ҳожибнинг давлат ва жамият қурилишига доир қарашлари ҳамда мавжуд муаммоларни

ҳал қилишда адиб ёндашувларидан фойдаланишга доир ишлаб чиқилган ижтимоий-фалсафий таклифлар асосида:

Юсуф Хос Ҳожиб яшаб ижод қилган илк Ренессанс давридаги миллий ва диний маданият уйғунлиги ва алломанинг билим ҳақидаги фалсафий концепциясига таянган ҳолда Янги Ўзбекистонни барпо этиш ижодий муҳити тажрибаларидан фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилганига оид таклифлардан Республика Маънавият ва маърифат маркази мажлисининг 2021 йил январдаги Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтаришга доир кўшимча чора-тадбирлар дастурининг IV йўналишига оид “Ёшларда соғлом дунёқараш, жумладан, китобхонлик кўникмасини шакллантириш, интернет, ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш маданиятини ошириш, уларда ахборот таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш чора-тадбирлари” 39-банди, Ички ва ташқи таҳдидларга қарши курашиш, ғоявий-мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашга қаратилган салоҳиятли, профессионал касбий тайёргарликларга эга бўлган политтехнолог кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратиш мавзусида ўтказилган тарғибот ишларини амалга оширишда ҳамда ёшларда мафкуравий тарғиботни кучайтиришда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2022 йил 25 ноябрдаги 364-сон далолатномаси). Натижада ишлаб чиқилган илмий-методик ишланмалардан ёшларни диний бағрикенглик руҳида тарбиялаш, чет тилларини ўрганишга бўлган қизиқишини рағбатлантириш ва шу орқали маънавий камолотга эришиш имкониятлари оширилган;

алломанинг ижтимоий қатламларга уларнинг эҳтиёж ва манфаатларидан келиб чиқиб муносабатда бўлишга доир қарашларининг ижтимоий адолатни таъминлашдаги ўрнига оид таклиф-тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Андижон вилояти Минтақавий тадқиқот марказининг семинар-тренинглари, давра суҳбатлари, тарғибот гуруҳлари фаолиятида фойдаланилган (Минтақавий тадқиқот марказининг 2022 йил 15 сентябрдаги 01/27-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг қўлланиши ўтказилган семинар-тренинглар контингентини шакллантиришда, уларнинг манфаат ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб машғулотлар ташкил этилишига имконият яратиб берди;

мутафаккир илмий меросидан жой олган билим концепциясининг Янги Ўзбекистонда ёшларни илмий билишга бўлган интилишларини кучайтиришдаги таъсирига оид таклиф ва тавсиялардан Андижон вилояти Минтақавий тадқиқот марказининг семинар-тренинглари, давра суҳбатлари, тарғибот гуруҳлари фаолиятида фойдаланилган (Минтақавий тадқиқот марказининг 2022 йил 15 сентябрдаги 01/27-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаларининг қўлланилиши ёшларнинг оламни илмий билишга бўлган қизиқишларига ижобий таъсир кўрсатган;

ижтимоий тараққиётга тўсиқ бўлаётган турли салбий ҳодисаларга қарши курашда Юсуф Хос Ҳожиб фалсафий меросидан унумли фойдаланиш йўллари ва имкониятлари кўлами аниқланганлигига оид таклифлардан Фарғона давлат

университетида бажарилган 2018–2020 йилларга мўлжалланган давлат илмий-техника дастурлари доирасидаги ПЗ-2017-0930223-рақамли “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни ривожлантиришда ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш механизмини такомиллаштириш” мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (2022 йил 22 сентябрдаги Фарғона давлат университетининг 01-2017-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаларининг қўлланилиши натижасида салбий хусусиятга эга бўлган ижтимоий иллатларни йўқотишда Юсуф Хос Ҳожиб фалсафий меросига таяниш имкониятлари яратилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза шаклида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этган илмий нашрларда 5 та мақола (3 та республика, 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 125 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Юсуф Хос Ҳожиб фалсафий меросининг ижтимоий-фалсафий илдизлари”** деб номланган биринчи бобида мутафаккир яшаган даврдаги ижтимоий-маданий муҳит таҳлил қилинади. Илк Ренессанс Марказий Осиёда IX-XI асрларни камраб олган йирик маданий ҳодисадир. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шундай ёзади: “Инсоният тарихи шундан далолат берадики, ҳар қайси халқ ҳаётидаги маънавий уйғониш жараёнлари миллий ўзликни англашга олиб келади ҳамда мамлакатнинг иқтисодий, маданий тараққиётини янги босқичга кўтаради. Бундай ноёб ҳодиса “Ренессанс” – уйғониш, қайта тикланиш, юксалиш деб аталиши барчамизга аён”¹⁶.

Ана шу даврдаги илк уйғонишга сабаб бўлган омиллардан бири араблардан мустақил бўлган марказлашган давлатларнинг пайдо бўлгандир.

¹⁶ Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. – Тошкент: Ўқитувчи МУ МЧЖ, 2021. – Б.10.

Туркий халқларнинг буюк маънавий ёдгорлиги “Қутадғу билиг” XI асрда яратилган бўлиб, ана шу вақтда шаклланган қудратли давлатнинг ижтимоий конституцияси вазифасини бажарган. Чунки бир томони ҳозирги Син-Цзян, иккинчи томони Самарқандга бориб туташадиган йирик қорахонийлар давлатидаги тутумларни ўзида акс эттирган, ҳукмдор ва шахзодаларга қўлланма бўлиб хизмат қиладиган асар ҳаётий заруратга айланган эди. Қорахоний ҳукмдорларининг орзуси барча ўрта асрлар монархлари каби марказлашган қудратли давлат тузиш бўлган. Бу ғояни бутун қўл остидаги жамоасига етказиш, улар учун маълум бир маънода ҳаракатлар стратегиясини яратишга интилиш натижаси ўлароқ ушбу асар вужудга келган. Бу ҳақда таниқли олим Қ.Каримов шундай ёзади: “... давлатни идора қилиш усули, сиёсати, қонун-қоидалари, шунингдек, халқнинг расму одатларини, ахлоқ принципларини ўзида мужассамлаштирган низомнома, қомус сифатида “Қутадғу билиг” юзага келди”¹⁷.

Қ.Омоновнинг фикрича, “Қутадғу – билиг” ҳажм жиҳатидан ниҳоятда катта, услуб эътибори билан тамоман ўзига хос бир бадиий асар намунаси. Шунинг ўзиёқ Юсуф Хос Ҳожибнинг нечоғлик етук шоир, адабиётшунос, тилшунос олим бўлганидан далолат беради. Асар мазмуни моҳияти жиҳатидан кенг қамровга эга. У туркий халқлар дунёқариши ва давлат бошқарувининг азалий анъаналари билан ислом мафқураси уйғунлашган асар сифатида юзага келди”¹⁸. Кейинчалик ёзилган “Сиёсатнома”, “Темур тузуклари”, “Бобурнома”, “Ҳукмдор” каби асарлар ўз даврининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб Юсуф Хос Ҳожиб анъаналарини давом эттирдилар.

Асарнинг ҳозирда учта қўлёзмаси бизгача етиб келган. Улар топилиш ва сақланиш ўрнига кўра қуйидагича номланади: Вена нусхаси, Қоҳира нусхаси, Наманган нусхаси.

Биринчи нусха 1439-йилда Ҳиротда Ҳасан Қори Сойил Шамс томонидан уйғур ёзувида кўчирилган. Бу китоб кейинчалик Истанбулда яшовчи Абдурахмон бахши исмли шахснинг қўлига тушади. Олимларнинг қайд этишича, XIX асрнинг ўрталарида асар Истанбулдан Венага олиб келинади. Шу сабабли ҳам “Қутадғу билиг”нинг ушбу нусхаси Вена биринчи нусхаси сифатида эътироф этилган. Китоб Вена кутубхонасида сақланади ва 1823 йилда “Journal Asiatique” номли журналда француз шарқшунос олими Жуберт Амаденинг мақоласи чоп этилади. Бу “Қутадғу билиг” ҳақидаги оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган биринчи илмий хабар ҳисобланади.

Асарнинг Вена нусхасини кейинчалик венгриялик машҳур шарқшунос Херман Вембери ўрганишни бошлайди. Ўлик тил ва матн сифатидаги муаммолар тадқиқот ишларини жуда узоқ йилларга чўзиб юборади. Олим машаққатли изланишлардан сўнг, 20 йиллик тадқиқотлари натижасини 1890 йилда “Қадимги уйғур ёдномалари ва “Қутадғу билиг” номи остида чоп

¹⁷ Юсуф Хос Ҳожиб. “Қутадғу билиг” (Саодатга йўлловчи билим). Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. Нашрга тайёрловчилар филол.фан.кан. Каримов. Тошкент, Фан, 1971. – Б. 7.

¹⁸ Омонов Қ. Асар отида келган «кут» сўзи тўғрисида. // «Қутадғу билиг» – буюк маънавий мерос. Илмий конференция материаллари. Тошкент, 2010.-Б.76–82 .

этади¹⁹. Шунингдек, асардан айрим парчаларни ҳам эълон қилишга муваффақ бўлади.

Асарнинг иккинчи нусхаси Қоҳирада 1961 йилда топилади. Асарнинг ушбу нусхасидан кейинчалик россиялик шарқшунос олимлар фотонусха кўчиртирган ва ушбу факсимел Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланиб келинмоқда.

“Қутадғу билиг” асарининг Наманган нусхаси ҳам бор. Шарқшунос олим Вализода 1913 йилда Қўқон шаҳрига боради ва у ерда Муҳаммад ҳожи эшон Лолареш исмли шахсда “Қутадғу билиг” асарининг битта нусхаси сақланаётганидан хабар топади. Бу ҳақда хизмат ёзишмаларида 1914 йилда маълумот берилади. Кейинчалик Наманганда Фитрат томонидан бу ҳақда биринчи бўлиб мақола ёзган олим асарни илмий муомалага киритган. Фитрат “Қутадғу билиг”ни соддагина қилиб, “Бахтликланиш билими” деб атаган.

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарининг ижтимоий-фалсафий аҳамияти ҳақида сўз борганда, асарнинг илмий жамоатчиликка эълон қилиниши ва унинг талқини билан боғлиқ қатор масалаларни ҳам кўриб чиқиш зарур. Юқоридагилардан маълум бўлдики, Юсуф Хос Ҳожибнинг ушбу ягона асари дунёнинг турли минтақаларида ва турли тилларда кўчирилган нусхалари мавжуд. Ушбу нусхаларнинг эълон қилиниши илмий жамоатчилик томонидан жуда катта қизиқиш билан кутиб олинган. Асарнинг тарихий, тилшунослик ва адабиётшунослик нуқтаи назаридан кўплаб талқин ва тадқиқотлари мавжуд. Лекин асардаги ижтимоий-фалсафий ғояларнинг мазмуни янги Ўзбекистондаги ижтимоий жараёнлар призмасидан туриб таҳлил этилишига доир тадқиқотлар мавжуд эмас. Бу эса келгусида мазкур йўналишдаги илмий ишларни янада кучайтириш заруратини вужудга келтиради.

Юсуф хос Ҳожиб фалсафий меросининг яна бир жиҳати – оламни англашда инсон тафаккурига нисбатан ишонч, илм-маърифатнинг жаҳолат ва залолатдан чиқишда ягона йўл сифатида талқин қилинганлигидир. Шу сабабли ҳам аллома асарларига бўлган қизиқиш қарийб юз эллик йилдан буён давом этиб келмоқда. Бу эса Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс жараёнининг маънавий асосларидан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“Юсуф хос Ҳожибнинг ижтимоий – фалсафий концепцияси”** деб номланган бўлиб, унда алломанинг жамият ва давлат ҳақидаги қарашлари атрофлича таҳлил қилинган.

Юсуф Хос Ҳожиб фалсафий меросида ижтимоий муаммолар ва уларни оқилона ҳал қилишга қаратилган қатор фикрлар мавжуд. Аллома ўз даврида шаклланган ижтимоий воқеликка теран нигоҳ билан қарайди ва ўзининг концепциясини ишлаб чиқади. Юсуф Хос Ҳожибнинг ижтимоий-фалсафий концепциясининг асосида уйғунлик ва муроса ётади.

Мутафаккирнинг гносеологик назарияси объектив идеализмга асосланган бўлиб, билим зехннинг маҳсули сифатида талқин қилинади, ақл, идрок

¹⁹ Бердалиев А. О рукописных списках «Кутадгу билиг» и о первых их исследователях. Жаҳон туркологиясининг буюк обидаси “Қутадғу Билиг” ва уни ўрганишнинг долзарб масалалари халқаро конференция тўплами. Тошкент, 2020 й. – Б. 114.

бирламчи, билим эса унга боғлиқ иккиламчи ҳодиса сифатида қаралади. Шунинг учун ҳам инсон билимсиз туғилади, сўнг ўрганади. Зехн эса табиатга қўшилиб яратилади, уни инсон ўрганмайди, у азалдан инсон табиатига сингдирилган бўлади, билиш, ўрганиш қобилиятининг туб илоҳий асоси саналади²⁰. Дунё миқёсида маънавий ҳаёт ҳам барча жабҳалар каби турли қарама-қаршиликлар генерация ва дегенерация даврларини бошдан ўтказади. Маълум бир босқичда маънавий ҳаётда умуман янги ғоялар кириб келиб эскиларини яқсон қилса, маълум бир даврда ана шу эски мафкуралар тикланади. Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистонда миллий ва диний қадриятларнинг қайта тикланиши кузатилди. Айниқса, диний идентификация жараёни шиддат билан амалга ошди. Ўтган қисқа давр ичида ҳам диний соҳадаги ривожланиш турғунлик даврлари билан кечган бўлса-да, ўтган йиллар давомидаги ўзгаришларнинг энг ёрқини диний ўзликни англаш билан боғлиқ равишда намоён бўлмоқда. Юсуф Хос Ҳожибнинг диний қарашлари бугунги шароитда ижтимоий тараққиёт ва диний ўзликни англашни уйғунлаштириши мумкин.

Тарихий тараққиётдан маълумки, инсоният тарихи маълум бир маънода давлатлар тарихи ҳамдир. Шу сабабдан қадимий қўлёзмаларда аксарият муаллифлар ҳукмдорларга нисбатан панд-насихат ва ўғитларини йўллашган ва шу орқали инсонларнинг бахтли яшашларига ишонишган. Мисол учун, Афлотуннинг “Давлат” асари²¹, Ўрхун-Энасой ёдгорликлари²², Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” асари²³, Николла Макиавеллининг “Ҳукмдор” асарлари²⁴да алломалар ўзларининг замондошларига ёки саволларига мурожаат қилиб, ҳокимиятни сақлаб туриш ва бошқаришга оид қимматли маслаҳатларини берганлар.

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Кутадғу билиг” асарининг бошқа қаҳрамонлари – Кунтуғди, Ойғулди, Ўгдулмиш ва Ўзғурмушлар - давлат амалдорлари. Бири подшоҳ, бири вазир, яна бири вазирнинг ўғли ва яна бири қаноат тимсолидир. “Булар ўртасида бўлиб ўтадиган савол-жавоб, мунозаралар жараёнида авом халқдан тортиб қорахонийлар салтанатининг энг олий даража ҳокими – элиггача бўлган ораликдаги барча табақа ва тоифаларнинг ахлоқ, одоб, хатти-ҳаракат, муносабат чегаралари ҳақида баҳс боради”²⁵.

Юсуф Хос Ҳожиб ёзади:

Кимни давлат туғи этса бахтиёр,
Ҳалол сиёсатни қилгай ихтиёр.

Улус узра қай бир зот дасти узун,
Феълию атвори хўб бўлгай фузун²⁶.

²⁰ Каримов Қ. Илк бадиий дoston. – Т., 1976. – Б. 317

²¹ Асмус В.Ф. Государство. – В кн.: Платон. Собр. соч., т. 3. М., 1994, с. 529–560.

²² Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования. // М.-Л.: 1951. 451 с.

²³ Низомулмулк. Сиёсатнома. Тошкент, Янги аср авлоди. – Б. 304.

²⁴ Макиавелли Н. Государь. Размышления над первой декадой Тита Ливия. Минск, 2004.

²⁵ Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг (Нашрга тайёрловчи Қ.Каримов). Тошкент: Фан, –Б. 7.

²⁶ Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг (Билим саодати)/Абдулхамид Пардаев таъдбири. Тошкент, Янги аср авлоди, 2019. – Б. 71.

Ҳукмдор учун ҳалоллик ҳокимиятни сақлаб қолиш шарти бўлмоғи зарур. Чунки ушбу ҳислат ортида қонун ва қарорларга ҳурмат ҳамда уларга сўзсиз риоя этиш, халқнинг ғаму ташвиши билан яшаш ҳалолликнинг энг асосий атрибутларидир. Ҳалол раҳбар халқнинг ҳақиқага кўз олайтирмайди, уни талон-тарож қилишдан жирканади. Ўзбекистонда ҳам давлат хизматчисининг ҳалоллиги масаласи долзарб аҳамият касб этган. Шу маънода давлат хизматчиларига мажозий маънода ҳалоллик вакцинасини қилиш масаласи ҳам кўтарилган эди. Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Ҳалоллик вакцинасини қаердан оламиз? Бу таъбир — мажозий, албатта, лекин биз шундай муҳитни яратишимиз керак”²⁷.

Буюк алломанинг фалсафий меросида давлат қурилишига оид ижтимоий-фалсафий моҳиятга эга фикрларни таҳлил қилиб қуйидагича хулосага келиш мумкин:

биринчидан, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари ўз даври учун маънавий конституция вазифасини бажарган;

иккинчидан, алломанинг давлат қурилиши концепциясида ҳалоллик масаласи марказий ўринлардан бирини эгаллайди ва бу ғоялар бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ;

учинчидан, Юсуф Хос Ҳожиб давлат барқарорлигини таъминлашда энг катта масъулиятни ҳукмдорлар зиммасига юклайди ва нафақат шахсий ҳокимият учун жавобгарлик, балки бутун жамият тинчлиги ва хотиржамлиги учун ҳукмдор жавоб беради деган концепцияни илгари суради;

тўртинчидан, ҳокимият тепасида туришнинг энг асосий сабаби Аллоҳнинг адолатини давлатда ўрнатишдир, адолат – оят кабидир деган ғояни илгари суради. Адолат Юсуф Хос Ҳожиб фалсафий меросидаги энг йирик категориядир;

бешинчидан, адолат ўрнатиш учун ҳукмдорда билим бўлиши керак.

Юсуф Хос Ҳожиб фалсафий меросидаги давлат ва жамият қурилиши масалаларига доир қарашлар тўлиқ ўрганилмаган бўлиб, уларни чуқур таҳлил қилиш ва оммалаштириш орқали ижтимоий тараққиётга катта ҳисса қўшиш мумкин бўлади.

Диссертациянинг учинчи боби “**Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида ёшлар дунёқарашининг шакллантиришга таъсир кўрсатувчи фалсафий ғоялар**” деб номланиб, унда ҳозирги ривожланиш босқичида Юсуф Хос Ҳожиб асарларидан фойдаланиш истиқболлари ёритиб берилган.

Юсуф Хос Ҳожиб қарашларининг энг муҳим жиҳати унинг билимга нисбатан прагматик ёндашувидир. Яъни, билимли инсон ўз ўрганганларини инсоният фаровонлиги йўлида хизмат қилдириши керак, деган фикрга қатъий ишонади.

Бекка маслаҳатгўй бўлсанг ёнма-ён,

²⁷ <https://www.xabar.uz/jamiyat/halollik-vakcinasini-qaerdan-olamiz-shavkat-mirziyoyev> - «Ҳалоллик вакцинасини қаердан оламиз?» — Шавкат Мирзиёев

Ҳалол йўл кўрсатгин янглишгани он²⁸.

Алломанинг фикрича, билим ҳукмдорнинг хошиш-истагидан муҳим ва юқоридир. Гарчи ҳокимиятнинг илоҳийлиги ҳақидаги қарашларга монанд фикрласа-да, Юсуф Хос Ҳожиб ҳукмдорнинг билимдон маслаҳатгўйнинг йўл-йўриқларига муҳтож эканини уқтириб ўтади. Чунки билимсизликнинг ўрнини на ҳокимият, на бойлик тўлдироллади. Билимгина инсонни ҳаётдаги барча қийинчилик ва муаммолардан халос этишга ёрдам бериши мумкин. Билимсиз инсон ўзига ва оиласига, атрофдагиларга зарар етказса, билимсиз ҳукмдор бутун жамиятнинг кулфатидир. Шу нуқтаи назардан алломанинг билимнинг детерминатлиги ҳақидаги концепцияси, унинг ҳукмдорлар учун панд-насихат тарзида ёзилган асарида марказий мавзулардан бирига айланган.

Зиёда маслаҳат билан билим бот,
Билим, кенгаш билан забардаст ҳар зот²⁹.

Инсон томонидан эгалланган билимларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши – моддийлашуви сарой муҳитида маслаҳатлар орқали намоён бўлади. Билим инсонни бир поғона юқорига кўтарса, доно кишининг маслаҳати уни яна бир поғонага кўтарадиган омиллардандир. Шу билан бирга аллома томонидан “Асар ғоясида ниҳоятда нозиклик билан қарғиш ёмон, қарғиш олишдан қочиш, ундан узоқ бўлиш таъкидланмоқда. Яна бошқа томондан олиб қаралса, давлат амалдори, ҳукмдор халқ олдидаги ўз бурчини бажармаса, қилиниши керак бўлган яхши ишларни қилмаса, халқ томонидан баддуо қилинишига ишора қилинган”³⁰.

“Қутадғу билиг” асаридаги диний қарашлар кенг ўрин олган. Юсуф Хос Ҳожиб яшаган даврга келиб ислом дини Марказий Осиё халқлари маънавий ҳаётида ўрин эгаллашга улгурган эди. Шу сабабли бўлса керак, Юсуф Хос Ҳожиб фалсафасида диний мотивлар марказий ўрин эгаллайди. Асарнинг кириш қисми ўз даври анъаналаридан келиб чиқиб Яратганга ҳамду сано ва мадҳлар билан бошланади. Шунингдек, Аллоҳнинг сифатлари келтирилиб, унга дуолар ўқилади.

Худодан кўрқ, имон шартларин бузма,
Худонинг лутфидан ҳам умид узма³¹.

Шоир оламини яратувчиси бўлган зотдан кўрқишга чақиради. Гуноҳлар учун жазоланиш муқаррар ва шу билан биргаликда ҳар бир банда қанчалик гуноҳлар қилмасин, Аллоҳнинг марҳаматидан умидвор бўлавериши кераклигини қайд этиб ўтади.

“Қутадғу билиг” асарида ислом дини ақидаларига риоя этишга доир кўплаб фикрлар бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳам инсоний камолотга интилиш, бошқаларнинг муаммоларига бефарқ бўлмаслик ҳақидадир. “Аслида ҳам,

²⁸ Қутадғу билиг: (Билим саодати)/Юсуф Хос Ҳожиб, Абдуҳамид Пардаев таъдбири. Тошкент, Янги аср авлоди, 2016 й. – Б. 266.

²⁹ Қутадғу билиг: (Билим саодати) Кўрсатиб ўтилган манба. – Б. 566.

³⁰ М.Арипов. “Қутадғу билиг”даги лингвомаданий бирликлар. Мадалиева Я. ва бошқ. “Қутадғу билиг”нинг баъдий тили.// Жаҳон туркологиясининг буюк обидаси “Қутадғу билиг” ва уни ўрганишнинг долзарб масалалари халқаро конференция тўплами. Тошкент, 2020. – Б.127.

³¹ Қутадғу билиг: (Билим саодати)/Юсуф Хос Ҳожиб, Абдуҳамид Пардаев таъдбири. Тошкент, Янги аср авлоди, 2016 й. – Б. 359.

туркий-буддавий, туркий-манихейлик, туркий-насоро, баъзи яҳудийлик таъсирлари умуминсоний яқинлик, алоқа, муносабатларнинг намоён бўлиши бўлибгина қолмай, XI аср одами, ўзининг асл туркий дунёқараши, сўзлари, амалиётида ўта масъулиятли шахсияти бўлган Юсуф Хос Ҳожиб учун мазкур анъана, қадриятлар “яқин минг йиллардаги ўз халқи (турклар) учун муқаддас, азиз саналган”³². Юсуф Хос Ҳожиб диний қарашларининг фалсафий моҳияти эса диний мутассибликдан юқори бўлган, соғлом ақл ва тафаккурга таянадиган, давлат ва жамият муаммоларини ҳал қилишда ислом динининг маърифатидан фойдаланишга қаратилгани билан эътиборга сазовордир.

